

# ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

**Исматулла ЖЎРАЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси  
мустақил изланувчиси

**Аннотация:** мазкур мақола ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини бошқаришнинг илмий-назарий асослари, ҳудудий даражада иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал ва методологик жиҳатларини ўрганишга бағишланган. Унда “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасининг ҳудудий ўлчовдаги моҳияти, асосий таҳдид ва хавф-хатарларнинг таснифи, уларни идентификация қилиш, баҳолаш ва бошқариш механизмлари илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил этилади. Шунингдек, хавфсизлик индикаторлари тизими, мониторинг ва прогнозлаштириш усуллари, стратегик режалаштириш ва ҳудудий сиёсатни шакллантиришнинг назарий асослари муҳокама қилиниб, уларни қўллаш имкониятлари юзасидан хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** ҳудудий иқтисодий хавфсизлик, хавф-хатарларни бошқариш, хавфларни баҳолаш, хавфларни камайтириш, иқтисодий барқарорлик, иқтисодий мустақиллик, ички ва ташқи иқтисодий хавфсизлик.

## Концептуальные аспекты обеспечения экономической безопасности территорий

**Исматулла Жураев,**

Независимый соискатель Академии государственного управления  
и государственной политики при Президенте Республики Узбекистан

**Аннотация:** в данной статье изучаются научно-теоретические основы управления экономической безопасностью территорий и рассматриваются концептуальные и методологические аспекты обеспечения экономической безопасности на территориальном уровне. Анализируется сущность понятия экономической безопасности в территориальном измерении, классификация основных угроз и рисков, а также механизмы их идентификации, оценки и управления с научно-теоретической точки зрения. Также обсуждаются теоретические основы системы индикаторов безопасности, методов мониторинга и прогнозирования, стратегического планирования и формирования территориальной политики, по результатам представлены соответствующие выводы о возможностях их практического применения.

**Ключевые слова:** территориальная экономическая безопасность, управление рисками, оценка рисков, снижение рисков, экономическая устойчивость, экономическая независимость, внутренняя и внешняя экономическая безопасность.

## Conceptual aspects of ensuring the economic security of territories

**Ismatulla Juraev,**

Independent Researcher of the Academy of Public Policy and  
Administration under the President of the Republic of Uzbekistan



**Abstract:** *this article examines the scientific and theoretical foundations of managing the economic security of territories and is devoted to the study of conceptual and methodological aspects of ensuring economic security at the territorial level. The essence of the concept of economic security in a territorial dimension, the classification of major threats and risks, as well as the mechanisms for their identification, assessment, and management are analyzed from a scientific and theoretical perspective. In addition, the theoretical foundations of security indicator systems, monitoring and forecasting methods, strategic planning, and the formation of territorial policy are discussed, and conclusions are drawn regarding the possibilities of their practical application.*

**Keywords:** *territorial economic security, risk management, risk assessment, risk mitigation, economic stability, economic independence, internal and external economic security.*

**Ж**аҳонда кечаётган глобал трансформацион жараёнлар ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини бошқаришни фундаментал ўрганишни тақозо этмоқда. Ҳудудларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва бошқариш учун ҳудудлардаги иқтисодий муносабатларни (хизмат кўрсатиш, саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларини барқарор ўсиши) тизимли ташкил этиш зурурияти вужудга келмоқда. Сўнгги йилларда дунёда бўлаётган геосиёсий вазиятлар, ишлаб чиқаришдаги таъминот занжиридаги узилишлар, энергетика ва атроф-муҳит соҳасидаги инқирозлар ҳудудларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга бўлган ёндашувларни буткул ўзгартириб юборди. “Ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш” тушунчаси ҳудудлар иқтисодий барқарорлигини (regional economic resilience) таъминлаш концепцияси билан узвий боғлиқ [1].

Глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви, жаҳон иқтисодиётидаги беқарорлик, геоиқтисодий рақобатнинг кучайиши ва ташқи шоклар таъсирининг ортиши шароитида ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи алоҳида долзарблик касб этмоқда. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан уни ташкил этувчи ҳудудларнинг иқтисодий барқарорлиги, рақобатбардошлиги ва ички-ташқи таҳдидларга қарши тура олиш қобилияти билан белгиланади [2].

Шу боис, ҳудудий иқтисодий хавфсизликни илмий-назарий жиҳатдан асослаш ва уни таъминлашнинг концептуал ёндашувларини ишлаб чиқиш замонавий иқтисодий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги иқтисодий хавфсизлик фани нуқтаи назаридан ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, деганда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ўша ҳудуд аҳолиси турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш ҳамда экологик барқарорликни таъминлаш орқали ички ва ташқи ижтимоий-иқтисодий таъсирларга қарши туриш қобилиятининг мавжудлиги тушунилади. Мавжуд қобилиятни сақлашда макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётни рақамлаштириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали ҳудудий ривожланиш асосий омил ҳисобланади.

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси илмий адабиётларда турлича талқин қилинади. Классик ёндашувга кўра, иқтисодий хавфсизлик – иқтисодий тизимнинг ташқи ва ички таҳдидлар таъсирида ўз барқарорлигини сақлаб қолиш, ривожланиш салоҳиятини таъминлаш ва миллий манфаатларни ҳимоя қилиш қобилиятидир [3]. Ҳудудий даражада эса, иқтисодий хавфсизлик ҳудуд иқтисодиётининг ресурс, молиявий, ишлаб чиқариш ва институционал асосларининг барқарор ҳолатда фаолият юритишини ифодалайди.

Иқтисодчи олим В.К. Сенчагов ҳудудий иқтисодий хавфсизликни мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг таркибий қисми сифатида баҳолаб, уни ҳудудларнинг иқтисодий мустақиллиги ва ўзини ўзи ривожлантириш қобилияти билан боғлайди. Бошқа олимлар эса, ҳудудий иқтисодий хавфсизликни иқтисодий хавф-хатарларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар мажмуаси сифатида талқин этадилар [4].

Ҳудудий иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар ички ва ташқи таҳдидларга бўлинади. Ички таҳдидлар қаторига: ҳудуд иқтисодиётининг тармоқлараро номутаносиблиги, инвестиция фаоллигининг пастлиги, инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги, молиявий ресурслар чекланганлиги ҳамда ишсизлик даражасининг юқорилигини киритиш мумкин.

Ташқи таҳдидлар эса, глобал бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, ташқи савдо шоклари, халқаро молиявий инқирозлар, геосиёсий омиллар ва трансчегаравий рақобатнинг кучайиши билан боғлиқ. Ушбу таҳдидлар ҳудуд иқтисодиётининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, унинг иқтисодий хавфсизлигини заифлаштиради.

Илмий адабиётларда ҳудудий иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг бир қатор концептуал моделлари мавжуд. Улар орасида: ресурс-ёндашув, институционал ёндашув, тизимли ва комплекс ёндашувлар алоҳида аҳамиятга эга. Тизимли ёндашувга мувофиқ, ҳудудий иқтисодий хавфсизлик иқтисодий, ижтимоий ва институционал омилларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида таъминланади.

UNDP ва Жаҳон банки тадқиқотларида ҳудудий иқтисодий хавфсизлик

барқарор ривожланиш концепцияси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиб, инсон капитали, инновация ва инклюзив иқтисодий ўсиш асосий омиллар сифатида белгиланади [5].

Ҳудудий иқтисодий хавфсизликни таъминлашда хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш механизмлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда хавфсизлик индикаторлари тизими орқали иқтисодий ҳолат мониторинги амалга оширилади. Индикаторлар асосида хавф даражаси баҳоланиб, профилактик ва компенсацион чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Хавф-хатарларни бошқариш жараёни стратегик режалаштириш, прогнозлаштириш ва ҳудудий иқтисодий сиёсат билан уйғун ҳолда олиб борилиши лозим. Бу эса, ҳудуд иқтисодиётининг ташқи ва ички таҳдидларга нисбатан чидамлилигини оширади [6].

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда вилоятлар (ҳудудлар) иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва бошқариш бўйича институционал ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни, 1997 йил 29 августдаги “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” (ПФ-4947-сон), 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (ПФ-60-сон) ва 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги (ПФ-158-сон) ва бошқа қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъмин-



лашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари белгиланган.

Амалга ошириладиган тизимли ислохотлар асосида ҳудудлар бошқарувини номарказлаштириш, маҳаллий давлат бошқаруви органларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш, инвестицияларни жалб қилиш, мониторинг тизимларини жорий этиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллалар иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш имкониятини берувчи маҳалла бюджетининг шакллантирилгани, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг ҳудудий бюджетни шакллантириш ва назорат қилишдаги ролининг оширилганлиги, ҳокимликларга молиявий мустақиллик ва ресурсларни бошқаришда ваколатлари кенгайтирилгани бевосита ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва бошқаришнинг муҳим омили бўлмоқда.

Иқтисодий хавфсизлик концепцияси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- хавфсизликни таъминлаш мақсади ва вазибалари;
- уларни амалга ошириш йўллари ва усуллари;
- мавжуд ва потенциал хавфсизликка таҳдидларни таҳлил қилиш;
- давлатнинг хавфсизликни таъминлашдаги имкониятлари, иқтисодий ресурслардан, восита ва кучлардан рационал фойдаланиши назарда тутилади;
- иқтисодий таҳдидларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш ва салбий таъсирини юмшатиш йўллари, восита ва усуллари;
- олий ҳокимият ва маҳаллий ҳокимият органлари, иқтисодиёт тармоқлари бошқарув тизимлари, ҳуқуқ-тартибот, миллий хавфсизлик органларининг умумдавлат, ҳудудий даражадаги иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича вазибалари [2].

Жаҳонда бўлаётган глобал ўзгаришлар, трансформацион жараёнлар ва геосиёсий вазият шуни тақозо этмоқдаки, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш нафақат макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, балки мамлакатнинг бутун минтақасидаги (вилоятлардаги) тадбиркорлик ва хўжалик субъектлари фаолиятини қисқа, ўрта ва узоқ муддатли стратегик ривожлантириш ва бошқариш масаласини тақозо этмоқда. Глобал иқтисодий маконда кузатилаётган геосиёсий беқарорлик, таъминот занжирларининг парчаланиши, рақамли трансформациянинг жадаллашуви ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарлар иқтисодий хавфсизликни давлат сиёсати даражасида қайта кўриб чиқиш заруратини кучайтирмоқда.

Ҳудудларнинг иқтисодий хавфсизлигини бошқаришнинг илмий-назарий асосларини таҳлил қилишда асосий эътиборни “иқтисодий хавфсизлик”нинг таркибий қисмларини тизимли ўрганиш зарур:

**биринчидан**, ҳудуд иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашнинг замонавий йўллари ва механизмларини фундаментал тадқиқ этиш;

**иккинчидан**, озиқ-овқат, энергия ва бошқа асосий ресурсларнинг етарлилигини таҳлил қилиш орқали ресурс хавфсизлигини таъминлаш моделларини ўрганиш;

**учинчидан**, ҳудудий иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини ўрганиш;

**тўртинчидан**, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ҳамда стратегик режаларни ишлаб чиқиш;

**бешинчидан**, транспорт, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ри-

вожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган дастурини ишлаб чиқиш.

Илғор хориж (АҚШ, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур ва Европа иттифоқи давлатлари) амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда илмий салоҳиятни давлат қарор қабул қилиш жараёнларига жалб этиш асосий тенденцияга айланган. Жумладан, иқтисодий хавфсизлик бўйича миллий стратегияларни ишлаб чиқишда маҳаллий олимлар, илмий-тадқиқот институтлари ва “think tank”лар фаол иштирок этмоқда. Бу эса қабул қилинаётган концепция ва стратегияларнинг илмий асосланганлиги, реал таҳдидларга мослашувчанлиги ва узоқ муддатли самарадорлигини таъминламоқда.

Дунёда кечаётган тенденцияларни ҳисобга олиб, шуни таъкидлаш лозимки, ҳудудларнинг иқтисодий хавфсизлигини бошқариш қуйидаги йўналишларни қамраб олиши зарур:

- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш барқарорлигини сақлаш;
- ҳудудлар иқтисодий барқарорлиги ва ўз-ўзини таъминлаш даражасини ошириш;
- хўжалик субъектларининг молиявий, инвестицион ва технологик хавфсизлигини таъминлаш;
- ташқи ва ички таҳдидларни олдиндан аниқлашга қаратилган прогноз ва мониторинг тизимларини жорий этиш [3].

Мазкур талабдан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни давлат иқтисодий сиёсати даражасига олиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, ҳудудлар ривожланишидаги номутаносибликларни камайтириш ҳамда хўжалик субъектларининг барқа-

рор фаолиятини таъминлашга хизмат қилади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш соҳасида қабул қилинаётган қарорлар қисқа муддатли чора-тадбирлар эмас, балки илмий асосланган, прогнозли ва комплекс характерга эга стратегик ҳужжатлар сифатида шаклланади. Бу эса, мамлакатнинг узоқ муддатли барқарор иқтисодий ривожланиши ва ташқи ҳамда ички таҳдидларга нисбатан чидамлилигини таъминлашга имкон яратади.

Ҳудудларнинг иқтисодий хавфсизлигини бошқаришда салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни танқидий ва тизимли таҳлил қилмасдан туриб, самарали натижаларга эришиш мураккаб ҳисобланади. Бунда: ҳудудларга глобал иқтисодий-ижтимоий ва экологик инқирозларнинг салбий таъсири, банк-молия тизимидаги муаммолар, камбағаллик ва ишсизлик даражасининг ортиб бориш каби омилларни ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун ҳудудларни комплекс ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни кенгайтириш орқали яширин иқтисодиётни камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали улар рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, солиқ механизми орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш зарур.

Иқтисодий хавфсизлик тамойиллари сифатида ижтимоий-иқтисодий тизим аҳволининг қуйи чегарасини ифодаловчи кўрсаткичлар қўлланади. Мазкур қуйи чегаралардан паст кўрсаткичларда иқтисодий тизим учун таҳдидлар вужудга келади, ҳатто бу тизимнинг бузилиши, деградацияси юз бера бошлайди. Ушбу қуйи чегара ва унинг миқдорий ўлчамларини аниқлаш, белгилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- миллий иқтисодиёт ва иқтисодий тизим фаолиятининг асосий шароитла-

рини ўрганиш ва уларни тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаш;

- миллий иқтисодий таъминлаш ва беқарорликка олиб келувчи омилларни аниқлаш;

- турли таъминлаш, хавфли ҳолатлар юзага келишининг тартиби ва имкониятларини баҳолаш;

- хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга хавф солувчи таҳдидларнинг олдини олиш йўллари аниқлаш [4].

Худудларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мамлакатнинг умумий иқтисодий хавфсизлигини мустақамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Худудий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш концептуал жиҳатдан тизимли, комплекс ва стратегик ёндашувни талаб қилади. Бунда: ресурслар хавфсизлиги, инвестиция ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, молиявий барқарорлик ҳамда институционал ислохотлар устувор йўналишлар сифатида намоён бўлади.

Амалий жиҳатдан, худудий иқтисодий хавфсизлик индикаторлари тизими таъминлаштириш, хавф-хатарларни бошқариш механизмларини кучайтириш ва худудий ривожланиш стратегияларини иқтисодий хавфсизлик таъминлаш асосида ишлаб чиқиш мақсадига мувофиқ ҳисобланади.

Худудларнинг иқтисодий хавфсизлигини бошқариш бўйича олиб борилган тадқиқотларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

**биринчидан**, иқтисодий хавфсизлик миллий ва худудий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилиб, худудий иқтисодий барқарорлик ташқи ва ички таҳдидлар, иқтисодий география, худудлараро номутаносиблик, глобал рақобат, институтлар сифати, давлат бошқаруви ва ижтимоий адолат билан узвий боғлиқ экани концептуал ўрганилган;

**иккинчидан**, худудларни стратегик ресурслар, инвестиция, саноат салоҳияти, рақобатбардошлик, инсон капитали ва инновацион салоҳият орқали баҳолаш, инклюзив ривожланиш модели, индикаторлар тизими орқали мониторинг ва прогнозлаштириш методологиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, худудий иқтисодий хавфсизлик мустақил илмий категория сифатида асосланиб, минтақа стратегиялари билан интеграциялаштириш тизимли ёндашув асосида тадқиқ этилган;

**учинчидан**, институционал ва ташкилий механизмлар, унда миллий иқтисодий сиёсат ва давлат тартибга солиш билан уйғунлаштириш, инвестиция муҳити, маҳаллий бошқарув, барқарор ривожланиш, институционал ислохотлар ва давлат иштирокининг аҳамияти ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг функционал роли ҳамда ваколатлари илмий таҳлил қилинган (1-жадвал).

Қарашлар ва ёндашувларни таҳлил қилиш асосида шуни хулоса қилиш лозимки, худудларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш – бу иқтисодий ўсишни, ижтимоий тенглик ва худуднинг ташқи омилларга қарши чидамлилигини таъминловчи комплекс ёндашув ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодийнинг глобаллашуви босқичида АҚШ, Хитой, Россия, Япония, Германия каби давлатлар ўртасида таъсир доиралари, ресурслар ва бозорлар учун глобал рақобат кураши кескин равишда авж олди. Бу ҳодисалар ҳар бир давлатнинг ўз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнларини тезлаштирди [5].

Худудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи замонавий иқтисодий ривожланиш шароитида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, у худудий

1-жадвал

**Худудларнинг иқтисодий хавфсизлигини бошқаришнинг назарий асослари бўйича илмий ёндашувлар\***

Тадқиқотчилар номи	Илгари сурган ғоялар ва назарий қарашлари
Barry Buzan	Иқтисодий хавфсизликни миллий ва ҳудудий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида талқин қилиб, ҳудудий иқтисодий барқарорлик ташқи ва ички таҳдидлар билан узвий боғлиқ эканини асослаган.
Paul Krugman	Ҳудудий иқтисодий хавфсизликка иқтисодий география, худудлараро номутаносиблик ва глобал рақобат таъсирини илмий асослаган.
Joseph E. Stiglitz	Иқтисодий хавфсизликни институтлар сифати, давлат бошқаруви ва ижтимоий адолат билан боғлаб, худудлар учун инклюзив ривожланиш моделини таклиф этган.
С.Ю. Глазьев	Иқтисодий хавфсизликни тизимли ёндашув асосида талқин қилиб, худудларни стратегик ресурслар, инвестиция ва саноат салоҳияти орқали баҳолаш концепциясини ишлаб чиққан.
Л.И. Абалкин	Ҳудудий иқтисодий хавфсизликни миллий иқтисодий сиёсат ва давлат тартибга солиш механизмлари билан уйғун ҳолда ривожлантириш зарурлигини асослаган.
В.К. Сенчагов	Худудлар иқтисодий хавфсизлигини индикаторлар тизими асосида баҳолаш ва мониторинг қилиш методологиясини ишлаб чиққан.
А.И. Татаркин	Ҳудудий иқтисодий хавфсизликни мустақил илмий категория сифатида асослаб, регионал стратегиялар билан интеграциялашни таклиф этган.
А.Ф. Расулев	Миллий ва ҳудудий даражада иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал ва ташкилий механизмларини илмий асослаган.
Ш.И. Мустафакулов	Ҳудудий иқтисодий хавфсизликни инвестиция муҳити, маҳаллий бошқарув ва барқарор ривожланиш билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этган.
Б.Б. Беркинов	Худудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда институционал ислохотлар ва давлат иштирокининг аҳамиятини асослаган.
О.А. Абдурахмонов	Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудий иқтисодий хавфсизликни бошқаришдаги функционал роли ҳамда ваколатларини очиб берган.
Ж.А. Ходиев	Худудлар иқтисодий хавфсизлигини рақобатбардошлик, инсон капитали ва инновацион салоҳият билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилган.

\* Муаллиф ишланмаси.



иқтисодий тизимларнинг барқарорлиги, рақобатбардошлиги ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Ҳудудий даражада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш фақат алоҳида иқтисодий кўрсаткичлар билан чекланиб қолмасдан, балки ташқи ва ички таҳдидлар таъсирида ҳудуд иқтисодиётининг мослашувчанлиги, ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси ва институционал муҳитнинг ривожланганлиги билан узвий боғлиқдир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳудудий иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асослари тизимли ёндашувга таянишни тақозо этади. Бунда: ресурслар хавфсизлиги, инвестициявий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, молиявий барқарорлик, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг мутаносиб ривожланиши асосий устувор йўналишлар сифатида намоён бўлади [6]. Шу билан бирга, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми ҳудудий иқтисодий сиёсат, стратегик режалаштириш ва мониторинг тизими билан уйғун ҳолда амалга оширилиши лозим.

Шунингдек, ҳудудларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда хавфхатарларни аниқлаш, баҳолаш ва камайтиришга қаратилган самарали бошқарув механизмларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Хавфсизлик индикаторлари тизимини такомиллаштириш, прогнозлаштириш усуллари-дан фойдаланиш ва қарор қабул қилиш жараёнида илмий асосланган ёндашувларни қўллаш ҳудудий иқтисодий тизимларнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлаш имконини беради [7].

Умуман олганда, ҳудудлар – иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал жиҳатларини илмий-наза-

рий жиҳатдан асослаш ҳудудий ривожланиш сиёсатини такомиллаштириш, иқтисодий таҳдидларга қарши самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва миллий иқтисодий хавфсизликни мустақамлашда муҳим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий хавфсизликни миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида кўриш, тизимли ёндашув ва индикаторлар тизимини ишлаб чиқиш, ҳудудий барқарорликни таъминлаш, таҳдидларни камайтириш ва институционал механизмларни такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

**биринчидан**, Ўзбекистонда ҳудудий иқтисодий хавфсизлик индикаторлари тизимини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилишнинг инновацион моделини ишлаб чиқиш лозим. Бунда ҳудудларнинг иқтисодий барқарорлиги, ташқи ва ички таҳдидларни доимий баҳолаш, яъни ресурс камчилиги, глобал рақобат, таъминот занжиридаги узилишлар каби рискларни мунтазам баҳолаш ва тезкор чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳудудлар (вилоятлар) иқтисодий хавфсизлигини бошқаришда баҳолаш индикаторлари (ЯИМ ўсиши, инвестиция ҳажми, ишсизлик даражаси, экспорт-импорт баланси)ни мониторинг қилиш учун рақамли геопорталлар тизимини жорий этиш лозим;

**иккинчидан**, Ўзбекистонда ҳудудий иқтисодий хавфсизликни самарали бошқариш учун функционал ислохотлар орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини кенгайтириш. Сабаби, ҳудудлар иқтисодий хавфсизлиги самарали давлат бошқаруви ва инклюзив ривожланиш модели билан боғлиқ. Маҳаллий органларнинг молиявий мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш орқали таҳдидларни тез-

кор камайтириш мумкин. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий дифференцияси-ни камайтириш учун маҳаллий бюджетларга қўшимча солиқ имтиёзларини худуднинг хусусиятидан келиб чиқиб татбиқ этиш. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига иқтисодий хавф-хатарларни идентификация қилиш ва стратегик режалаштириш ваколатларини бериш;

**учинчидан**, худудларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасига инвестиция ва инновацияларни жалб этиш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификация қилиш. Худудларнинг инновацион ва

илмий-техникавий ривожланиши, стратегик ресурслар, инвестиция муҳити ва саноат салоҳиятини баҳолаш орқали рақобатбардошликни ошириш учун диверсификация зарур;

**тўртинчидан**, атроф-муҳит ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда барқарор ривожланиш моделини жорий этиш. Худудий хавфсизлик ижтимоий адолат, экологик барқарорлик ва инсон капитали билан боғлиқ. Камбағалликни қисқартириш дастурлари орқали худудий тенгсизликни камайтириш, худудларда ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (ESG) тизимини жорий қилиш лозим.

#### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Martin, R., & Sunley, P. (2015). On the notion of regional economic resilience: conceptualization and explanation. *Journal of Economic Geography*, 15(1), 1-42.
2. Сенчагов В.К. Экономическая безопасность: теория и практика. – Москва: НОРМА, 2018.
3. Глазьев С.Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития. – Москва: Владар, 2017.
4. Illarionov A. Criteria of Economic Security. – Moscow, 2016.
5. World Bank. Regional Development and Economic Resilience. – Washington DC, 2021.
6. UNDP. Human Development Report: Economic Security and Sustainability. – New York, 2022.
7. Абулқосимов Ҳ.П. (2021). Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми. 10.13140/RG.2.2.21797.22240/ [https://www.researchgate.net/publication/354910711\\_ikhtisodiy\\_havfsizlikni\\_taminlas\\_mehanizmi](https://www.researchgate.net/publication/354910711_ikhtisodiy_havfsizlikni_taminlas_mehanizmi)
8. Mityakov SN, Mityakov ES, Ladynin AI, Nazarova EA. Country Economic Security Monitoring Rapid Indicators System. *Economies*. 2023; 11(8):208. <https://doi.org/10.3390/economies11080208>
9. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: “Akademiya”. – 2012. – 22 б.
10. Исроилов Б., Ибрагимов Б. Иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичларни аниқлаш масалалари. // <https://cdn.uza.uz/2021/10/21/12/52/kKytzJyTJGJMN2x5b8lrIHGGMJelTOUY.pdf>
11. Сенчагов В.К. Экономическая безопасность: теория, методология, практика. – Москва: НОРМА, 2018.
12. Glazyev S.Yu. Economic Security and Sustainable Development. – Moscow: State University Press, 2019.